Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 205 (21. 072) 1991 йил 22 октябрь, сешанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон — Озарбайжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари Президентлари И. А. Каримов ва А. Н. Муталибов ҳар икки республика ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар; матбуот конференцияси пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ, Р. НУРИДДИНОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

Кекса Каспий ва саҳро қум барханлари икки қардош халқ — ўзбеклар ва озарбайжонларнинг бир-бирига яқинлашуви йўлида ҳеч қачон ғов бўла олмаган. Бу халқларни муштарак тарихий тақдир, маданият, анъаналар ва урф-одатларнинг ўхшашлиги азалдан бирлаштирибгина қолмай, сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий алоқалар мунтазам ривожланиб келган, анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланган. Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг мустақил республикалар, деб эълон қилинганлиги бу муносабатларга янги омил бағишлади. Шу октябрь кунларида тарихий қадам қўйгандан сўнг, яъни икки республиканинг давлатлараро муносабатлари қоидалари тўғрисидаги шартнома ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари ҳақидаги битим имзоланганидан сўнг бу муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Шартнома ва битимни имзолаш мақсадида Озарбайжон Президенти А. Н. Муталибов бошлиқ Озарбайжон Республикасининг ҳукумат делегацияси 19 октябрь куни Ўзбекистонга келди. Делегация таркибида Бош вазир Г. А. Гасанов, давлат моддий-техника таъминоти комитети раисининг ўринбосари Р. А. Аббосов, республика давлат иқтисодий комитети раисининг ўринбосари С. И. Тагизода бор.

Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, вице-президент Ш. Р. Мирсаидов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков, Президентнинг маслаҳатчиси Т. А. Алимов, иқтисодиёт комитетининг раиси А. С. Маҳмудов, республика ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ташриф шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш билан бошланди. И. А. Каримов билан А. Н. Муталибов Ўзбекистон миллий боғида бўлдилар. Улар Шарқ мутафаккири ва шоири Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Шу ерда президентлар журналистлар билан қисқача суҳбатлашдилар. Улар Ўзбекистон билан Озарбайжон халқларини фақат иқтисодий алоқаларгина эмас, маънавий, тарихий ришталар ҳам боғлаб турганлигини таъкидладилар. Шу сабабли озарбайжон дўстларимизнинг республикамизга ҳозирги ташрифини ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашдаги муҳим тадбир, деб биламиз. Сўнгра меҳмонлар Халқлар дўстлиги саройини кўздан кечирдилар. Ўзбекистон пойтахти кўчалари бўйлаб сафар қилдилар.

Икки республика ҳукумат делегацияларининг музокаралари амалий ишчанлик вазиятида ўтди.

Музокара қатнашчилари жамиятдаги ҳозирги умумий танглик пайтида собиқ Иттифоққа кирган республикалар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнларини тезлаштириш ва чуқурлаштиришдан муҳимроқ вазифа йўқлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг учрашуви арафасида Кремлда имзоланган Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома мамлакатдаги аҳволни меъёрий изга солиш, республикалар ўртасидаги узилиб қолган алоқаларни тиклаш учун яхши асос бўлиб қолади. Шу ҳужжатнинг остида Ўзбекистон Президентининг ҳам имзоси бор. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг шу йил Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Бокудан келган ҳукумат делегацияси ҳозир бўлганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Ҳозирги пайтда бир нарса равшан — иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда фақат биргаликдаги ҳаракатларгина муваффақиятни таъминлай олади, бирорта республика ҳам ёлғиз ўзи иқтисодиётни танг аҳволдан қутқара олмайди. Иттифоқ тарқалиб кетганига қарамай, республикаларимиз иқтисодий соҳадаги алоқаларни тўхтатгани йўқ, тўхтатмайди ҳам. Ўзбекистон Озарбайжондан нефть маҳсулотлари ва металл қирқадиган станоклар, электр техника ва кўтариш-транспорт ускуналари, автомашиналар, газлама ва бошқа кўп маҳсулотларни олмоқда. Ўз навбатида Каспий орқали Озарбайжонга Ўзбекистонда тайёрланган экскаваторлар ва кўприк кранлар, тракторлар ва пахта териш машиналари, кабель маҳсулотлари ва кимёвий ускуналар, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилмоқда.

Иккала республика раҳбарлари музокара чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон олдида бир хил вазифа; қаттиқ марказлаштирилган ҳокимият кишанларидан қутилиб, ноёб табиий-иқлим шароитидан, бой иқтисодий имкониятлардан фойдаланиб, ер ости бойликларини халқ учун хизмат қилдириб аҳолининг турмуш даражасини анча юксалтириш вазифаси турганлигини алоҳида таъкидладилар. Афсонавий узоқ «порлоқ келажакда» эмас, балки яқин вақт ичида шу ишни амалга ошириш лозим.

Музокаралар давлатлараро муносабатларнинг қоидалари тўғрисидаги шартномани имзолаш билан тугади. Шартнома остига И. А. Каримов билан А. Н. Муталибов қўл қўйдилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари ҳақидаги битимни Ш. Р. Мирсаидов билан Г. А. Гасанов имзоладилар.

Сўнгра журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувга марказий газеталарнинг мухбирлари, Ўзбекистон ва Озарбайжон журналистларидан ташқари бир қанча хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилди.

Президентлар — А. Н. Муталибов ва И. А. Каримов икки муҳим ҳужжатнинг имзоланишини жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган мустақил демократик давлатларни барпо этишга интилаётган икки қардош халқ ҳаётидаги тарихий воқеа, деб таърифладилар.

Журналистлар билан учрашув шу куни кечқурун республика телевидениеси орқали тўла ҳажмда олиб кўрсатилди. Минглаб телетомошабинлар учрашув рўйростлик руҳида ўтганлигини, ўткир масалаларни юмшатишга уриниш бўлмаганлигини, президентларга

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Қуйида Томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси

сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий ва ўзга алоқаларни ривожлантириш, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларига хос бўлган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилиб,

халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти, жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси деб ҳисоблаган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатлар тузишга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва қоидаларига, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум эътироф этган ҳужжатларга, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съездида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Декларацияга ўзининг содиқлигини тасдиқлаб,

давлат мустақиллигини, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик қоидаларини, баҳсли муаммоларни муросасозлик воситалари билан тартибга солиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган ўзга қоидалари ва нормаларини ўзаро эътироф этиш ва ҳурмат қилиш асосида ўз муносабатларини ривожлантиришни мўлжал қилиб,

Томонлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳар икки давлат халқларининг туб миллий манфаатларига мувофиқ келади деб ҳисоблаб,

мустақил давлатларнинг иқтисодий ҳамжамиятини тузишга бўлган интилишга амал қилиб,

қуйидаги битимга келдилар:

1-модда

Томонлар бир-бирларини мустақил давлат деб эътироф этадилар ва ўзаро муносабатларда суверен тенглик, ички ишларга аралашмаслик, тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий ва ўзга чораларини қўлламаслик, баҳсли муаммоларни муросага келтирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш қоидаларига амал қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар бошқа Томоннинг давлат мустақиллигига зиён етказиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлардан ўзларини тиядилар.

2-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ҳудудининг бир бутунлигини эътироф этадилар ҳамда ҳурмат қиладилар.

3-модда

Томонлар ўз фуқароларига миллати, дини, сиёсий қарашлари, тили ёки ўзга тафовутларидан қатъи назар қонун олдида тенгликни ва ҳимояланиш учун тенг ҳуқуқни, тенг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайдилар.

4-модда

Томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида истиқомат қилаётган ёки вақтинча турган бошқа Томоннинг фуқароларига уларнинг миллати, дини, тили ва бошқа тафовутларидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум эътироф этган нормаларга мувофиқ тарзда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар берилишини кафолатлайди.

Бир Томон фуқароларининг бошқа Томон фуқаролигига ўтиши масалалари Томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ махсус битимлар билан тартибга солинади.

Томонларнинг ҳар бири бошқа Томон ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилади, уларга ёрдам ва мадад беради.

5-модда

Томонлар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи миллий гуруҳларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хослиги сақланиб қолиши ва ривожланишига кўмаклашадилар, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш масалаларида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар ўз ҳудудларида миллатлараро тотувликни таъминлаш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига, миллий тенг ҳуқуқлилик қоидаларини бузишларга қарши кескин курашадилар.

6-модда

Томонлар ўз халқлари ва давлатларининг сиёсат, иқтисод, савдо, маданият, фан, техника, экология, соғлиқни сақлаш, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини ривожлантирадилар, шу масалалар юзасидан тегишли битимлар тузадилар.

Томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида амалга оширилади:

— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда, ҳар икки Томон тинчликни янада мустаҳкамлашга интилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда жамоа хавфсизлиги тизимини яратишда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— бозор муносабатларини, ягона иқтисодий майдонни, бож сиёсатини шакллантириш ва ривожлантириш;

— хўжалик алоқаларини, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш, маҳсулотларни ўзаро манфаатли айирбошлаш;

— шерикчилик корхоналарининг кенг тармоғини вужудга келтириш, биргаликдаги иқтисодий дастурларни рўёбга чиқариш;

— миграция сиёсати;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, фавқулодда ҳолатларда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

— кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(Давоми иккинчи бетда).

НАВБАТ—СЎНГГИ ДАВОНГА

● Республикамиз пахтакорлари уйган хирмон тўрт миллион тоннадан ошди.

Агар учинчи миллион тонна пахта бир ҳафтада тайёрланган бўлса, охирги миллионни тайёрлаш анча оғир кечди. Чунки республикамизнинг айрим вилоятларида ёғингарчиликлар бўлиб ўтди. Лекин шунга қарамай Бухоро ва Фарғона вилоятлари пахтакорлари суръатни ошириб, йиллик режани бажаришди. Бухороликлар 480 минг тоннадан зиёд, фарғоналиклар 412 минг тоннадан зиёд хом ашё тайёрлашди.

● Куни кеча Қашқадарё вилояти пахтакорлари йиллик режани ортиғи билан уддалашди. Улар уйган хирмон 478 минг тоннадан ошди. Қашқадарёликлар кунлик суръатни ҳали бўшаштиришмаяпти.

● Шу кунларда Наманган вилояти деҳқонлари кунлик суръатда ҳаммадан илгари бормоқдалар. Улар ҳар куни йиллик режани салкам 2 фоизи миқдорида пахта тайёрлашаётир. Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари деҳқонлари ҳам кунига икки фоизга яқин ҳосил йиғиб-териб олмоқдалар.

● Муҳарририятимизга юзлаб давлат ва жамоа хўжаликлари йиллик режани бажарганликлари ҳақидаги хушхабарлар келмоқда. Ўнлаб районлар ҳам йиллик режани бажариб, эндиликда режадан ташқари пахтани жамғаришмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, режадан ташқари тайёрланган пахта хўжаликларнинг ўз ихтиёрида бўлади. Шу боис улар пахтанинг бир миқолини ҳам нобуд қилмай териб олиш пайида бўлмоқдалар.

Масалан Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани аллақачон уддалаб қўйишганди. Далаларда эса ҳосил мўл. Хўжаликда ана шу қолган ҳосилни ҳам йиғиштириб олиш учун одамларни иқтисодий рағбатлантириш йўлини топдилар. Яъни бир гектар майдондаги пахтазорни тозалаб берган ижарачига ёки теримчига 600 сўм миқдорида ҳақ тўлашга қарор қилинди. Натижада ҳосилни нобуд қилишга йўл қўйилмаяпти. Устига-устак колхозчининг киссасига ҳам мўмай пул тушади.

● **ҚАДРЛИ ПАХТАКОР ДЎСТЛАР! Яна бир ғайрат қилсак, йиллик режа уддаланади. Мустақил республикамиз хирмонига барака, унинг иқтисодиётига дармон бахш этилади!**

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	0,83	106,60	0,55	82,44
ФАРҒОНА	0,61	102,00	0,52	93,74
ҚАШҚАДАРЁ	1,11	100,48	1,02	109,33
Жиззах	1,27	95,90	1,51	117,32
Сирдарё	1,06	95,27	0,94	106,69
Наманган	1,98	94,01	1,40	100,46
Сурхондарё	1,58	93,78	1,22	101,32
Андижон	1,61	90,61	1,60	98,19
Тошкент	1,48	87,98	1,47	97,01
Самарқанд	2,04	84,51	2,10	91,40
Хоразм	1,18	69,50	0,81	40,47
Қорақалпоғистон республикаси	1,30	67,46	1,02	65,76
Республика бўйича	1,32	91,79	1,20	94,91

Шу жумладан, нигичка толали пахта

Сурхондарё	1,81	94,04
Қашқадарё	1,59	92,35
Бухоро	2,81	85,36
Наманган	1,82	77,33
Андижон	0,83	31,79
Республика бўйича	1,78	92,47

ПАХТАМИЗ 4000000 ТОННАДАН ОШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот маркази хабар қилади:

МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 октябрда чиқарган Фармонига кўра 1991 йилдан бошлаб белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пилланинг 5 фоизи ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида ҳам давлат, жамоа хўжаликлари, ижарачилар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилиши жумҳуриятимиз дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган муҳим тадбир сифатида баҳоланмоқда.

— Бозор иқтисодиётига ўтилаётган оғир кунларда бу ўз вақтида қабул қилинган фармон бўлди, — деб ёзади **Норин районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Г. Дадабоев** Республика Президенти номига йўллаган миннатдорчилик телеграммасида.

— Эндиликда хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан бақувват ва халқимизнинг моддий жиҳатдан барқарор яшашини таъминлаш йўлида муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қиламиз.

Шунингдек, **Чуст районидаги «Ўзбекистон», Уйчидаги Улуғбек номли жамоа хўжаликлари ва Поп районидаги «Найман» давлат хўжалиги меҳнаткашлари** йўллаган телеграммаларда ҳам пахта ва пилла сотишдаги имтиёзлар учун республика ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этилган.

Қарши райони меҳнаткашлари номидан келган телеграммада ушбу самимий сўзлар битилган:

«Республика мустақиллигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Деҳқон меҳнатини юксак қадрлаб, пахта толаси ва пилла сотишда колхоз ва совхозларга берилган бу имтиёзлардан ниҳоятда хурсандмиз.

Ўзбекистоннинг равнақи ва осойишталиги йўлидаги ишларда муваффақиятлар тилаймиз!»

Деҳқон — ҳисобдон халқ. Ушбу фармон бўйича чўнтагига тушадиган даромадни дарҳол чўтга солиб кўради. Мисол учун Чортоқ районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги 815 гектар ерда пахта етиштирган. Режа бўйича 36,2 центнердан жами 2950 тонна пахта сотиши керак эди. Бунинг 5 фоизи 147,5 тонна. Далада эса камида ҳар гектардан яна 7 центнердан пахта йиғиштириб олиш мумкин. Ҳисоблаб кўринг: 700 тоннага яқин хом ашё деҳқоннинг ихтиёрида қолаяпти. Агар тола чиқими 25 фоизни ташкил этганда ҳам олинадиган 175 тонна толани ташқи бозорга чиқарса, 262 ярим минг доллар даромад бўлади. Маълумки, ташқи бозорда нарх наво ўзгариб туради. Бир кўпроқ хом-ашё чиқарганимиз учун ҳозир бир тонна пахта толасининг баҳоси 1 минг 800 долларидан 1 минг 500 долларга тушиб қолди. Ҳа, келинг, шунга кўра **Алишер Навоий номли колхоз** 230 минг долларлик пахта сотсин. Энди бир долларнинг қийматини сўмга чақиб, деҳқоннинг чўнтагига тушаётган даромаднинг чўғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг.

Алишер Навоий номли хўжалик бошқарувининг раиси М. Раҳматовнинг маълум қилишича, колхозчилар ушбу фармонни мустақил жумҳуриятимиз деҳқонларига муносиб ғамхўрлик сифатида баҳолаб ғайрат билан ишламоқдалар.

Ҳа, мустақилликдан, уни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан деҳқоннинг кўнгли тўлмоқда. Тинчлик ва осойишталик бўлса, республика ҳукумати халқни ҳеч қачон доғда қолдирмайди, деган ишонч меҳнат ишларига куч-қувват бағишламоқда. Ўзбекистон Президенти номига келиб турган миннатдорчилик телеграммалари ва мактублари шундан далолат беради.

АХБОРОТ

Республикада Ўзбекистон Халқ Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш ташкилот комитетининг, жойлардаги янги партияни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш муваққат комитетларининг иши давом этмоқда. Меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида 6700 таъсис йиғилиши бўлди. Уларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилинмоқда, бўлажак шаҳар ва район конференцияларига делегатлар сайланмоқда. Янги партияга кириш истагини билдирган КПСС аъзоларини рўйхатга олиш давом этяпти. Ҳозирги вақтгача умуман республикада 225 мингга яқин коммунист қайтадан рўйхатга олиш тўғрисида ариза берди. Илгари ҳеч қандай сиёсий ташкилотларга қўшилмаган 38 мингдан ортиқ одам ўз тақдирини Ўзбекистон Халқ Демократик партияси билан боғлашга қарор қилди.

Ўзбекистон—Озарбайжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қийин саволлар берилганлигини, бу саволларга батафсил жавоб қайтарилганини кўрдилар. Шу сабабли учрашувнинг ҳамма жиҳатлари ҳақида ёзишга ҳожат йўқ. Фақат айрим муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

И. А. Каримов бугун имзоланган ҳужжатларни тайёрлаш кўпдан буён давом этиб келганлигини, икки республика халқлари манфаатлари йўлида уни тезроқ тугаллаш муҳимлигини ва шундай қилинганлигини айтди.

Ўзбекистон Президенти имзоланган ҳужжатларни тавсифлаб, улар республикаларнинг бозор муносабатларига ўтиш йўлида ҳам стратегик йўналишларни, ҳам тактик тадбирларни белгилаб беришини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ Украина билан Москвада шартнома имзолади, навбатдаги шартномалар Белорусь ва Россия билан тузилади.

А. Н. Муталибов ушбу фикрни ривожлантириб, бизнинг икки томонлама муносабатларимиз Озарбайжоннинг иқтисодий ҳамжамият доирасида Россия, Украина, Белорусь ва бошқа республикалар билан алоқаларни истисно этмайди, деб таъкидлади. Ўзбекистон билан тузилган шартнома қардошларча дўстлик алоқаларимизни мустаҳкамлади. Бу шартнома иккала республиканинг тараққиётига хизмат қилади, куч-ғайратларни бирлаштирган тақдирда аҳоли турмуш даражасини анча юксалтириш учун барча шарт-шароитларни яратишга имкон беради. А. Н. Муталибов Москвада иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолаш чоғида нима учун Озарбайжон вакиллари иштирок этмагани тўғрисидаги саволга жавобан бу ҳужжат тасдиқланганини, Озарбайжон унинг муҳимлигини англаётганлигини айтди. Лекин меёрий демократик жараён доирасида шартнома лойиҳаси парламентда муҳокама қилинмоқда, унга муайян тузатишлар киритилмоқда, чунки шартноманинг бир қанча бандлари парламент аъзоларида бу ҳужжатга турлича муносабатни келтириб чиқарди. Биз—воқеликни ҳисобга оладиган кишиларимиз, деб таъкидлади Озарбайжон Президенти, бинобарин тенг ҳуқуқли мустақил республика сифатида ягона иқтисодий ҳамжамиятда ўз ўрнимизни эгаллашимиз лозимлигини тушунамиз.

Президентларга уларнинг мухолифларга муносабати ҳақида савол берилди. Шуниси диққатга сазоворки, иккала раҳбар ҳам бу соҳада бир хил йўлга амал қилмоқда—мухолифлар билан муносабат амалий негизга қурилиши лозим. Лекин ҳозирги вақтда мухолифлар орасида эътиқодли коммунистларга ўхшаган изчиллар учраб туради, мухолифлар изчилларни қаттиқ танқид қилмоқда. Бироқ мухолифлар изчилларни танқид қилиб, ўзлари ҳам шундай аҳволга тушиб қолишяпти. Улар шиорларни бажонидил такрорлашяпти. Лекин тангликдан чиқишга қаратилган ҳеч қандай аниқ-равшан иқтисодий дастурни таклиф қилишмаяпти.

И. А. Каримов шу ҳақда гапириб, муҳолифлик ҳаракатлари конституциявий меъёрларга қатъий мос келиши лозимлигини яна бир бор такрорлади. Бу хусусан «Бирлик» ҳаракатига таалуқлидир. Унинг раҳбарлари адлия идораларида дарҳол рўйхатга олишни талаб қилишяпти-ю, жамоат ташкилотлари фаолиятини тартибга соладиган Қонунни унутишяпти. «Бирлик» ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча турли гуруҳлардан иборат ҳаракат сифатида эмас, балки ўз Низоми ва Дастурига эга бўлган партия сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Биз халқ манфаатларига хизмат қиладиган ҳар қандай партия билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, деди Ўзбекистон Президенти. Тўла иқтисодий мустақиллик ва бунда қатъий тартиб ва интизом — бизнинг йўлимиздир. Бу йўл Ўзбекистонни эркин демократик давлатлар қаторига олиб чиқади, жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қаторига чиқиб олишига имкон беради. Лекин бунинг учун республика тасарруфидаги барча бойликлар республика халқининг, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ўзбекми, русми, қозоқми ёки бошқа миллат вакилими — Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг мулки бўлиши лозим. Эълон қилинган мустақилликнинг моҳияти ана шундадир. Аммо шуниси ачинарлики, Ўзбекистоннинг мустақиллиги айрим одамларда жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бу эса республика ва унинг халқи манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларга олиб келмоқда. Ресурсларга бой бўлган хом ашё ўлкасини ҳеч ким ихтиёрий равишда қўлдан чиқаргиси келмайди, бу тушунарлидир. Марказда Ўзбекистонни ана шундай ўлка деб ҳисоблаб келишган. Шу сабабли ҳозир бизнинг шаънимизга ҳатто экстремизмда, бошқа республикалардан ажралиб қолишга уринишда айблашлар ёғдирилмоқда. Бизнинг тутган йўлимиз рақиблари зарба бериш мумкин бўлган бирдан-бир қуролга таянмоқдалар, яъни халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уларнинг орасига низо солмоқчи бўляптилар. Ҳеч кимнинг бундай қилишига йўл қўймаймиз. Ўзбекистон фуқаролар тинчлиги ва тотувлиги сиёсатини ишонч ва собитқадамлик билан ўтказмоқда. Барча халқлар турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳамда республикаларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш тарафдори сифатида иш тутмоқда.

Президент Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўладими, деган савол журналистларни қизиқтирди. Ҳа, мен бу партияга кираман, деди И. А. Каримов. У янги партия — парламент тусидаги партия эканини, бу партия мафкуравий ақидалардан, иқтисодий, хўжалик муаммоларини ҳал қилишдан чекиниб, парламентдаги ўринлар учун бошқа партиялар билан тенг шароитда кураш олиб боришини тушунтирди. Баъзи бировлар Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси — «туси ўзгартирилган» Коммунистик партияси деб нотўғри ҳисоблаётганлигини айтди. Тўғри, КПСС-нинг кўп аъзолари ўз қаётларини янги партия билан боғламоқдалар, лекин бу улар қандайдир алоҳида имтиёзларни излашяпти, деган гап эмас. Ундай эмас, уларни ҳалқ тақдири, халқнинг ҳозирги куни ва келажаги ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ҳеч кимга шахсий мақсадларига эришишда пиллапоя бўлмайди, коммунистлар орасида, унинг маълум қисми учун партия ана шундай пиллапоя бўлган эди. Ҳозир КПСС аъзоларини ҳамма ишда айбдор деб ҳисоблаш одатга айланиб қолди. Аммо халққа виждонан ҳалол хизмат қилган коммунистлар партия раҳбарларининг нуқсонлари ва хатолари учун айбдор эмаслар.

Журналистлар билан учрашувда ҳар иккала республикани ҳаяжонга солаётган бозор муносабатларига ўтиш муаммолари тўғрисида кўп гапирилди. Президентлар бозор ўрнини босадиган муқобил нарса йўқ ва бўлмаслигини аниқ мисоллар билан исботлаб бердилар.

Ўз муштарийларини Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳаёти тўғрисидаги уйдирмалар билан таъминлаб турган айрим марказий нашрлар тўғрисида ҳам гап бўлди. Масалан, шу куни «Известия» Президент А. Н. Муталибов оғир касаллиги сабабли Москвага кела олмаганлигини, Гейдар Алиев эса Озарбайжон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлганлигини хабар қилди. Мен бирор шамоллаган бўлсам шуни оғир касал деб ҳисоблаш керакми, деди Озарбайжон Президенти, парламентимизнинг шартномага нисбатан тутган йўлини изоҳлаб бериш яхшироқ бўлур эди. Алиевга келганда эса, унинг Олий Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига сайлангани тўғрисидаги хабар навбатдаги уйдирмадир. Айтмоқчи, сўнгги вақтда бир қанча газеталар Ўзбекистон ҳақида ҳам жуда кўп уйдирмаларни тўқиб чиқармоқда.

И. А. Каримов делегация аъзоларини Озарбайжон ҳаётидаги тарихий воқеа — республиканинг мустақил деб эълон қилиниши билан самимий қутлади, Озарбайжон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 19 октябрь куни кечқурун Озарбайжон Республикаси ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

20 октябрь куни Озарбайжон ҳукумат делегацияси Самарқандга борди.

В. ДРАЧЕВ,
С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— биргаликдаги фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш ва биргаликдаги фан-техника дастурларини рўёбга чиқариш;

— жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш масалаларини ўз ҳамкорликларининг устун йўналишлари, деб эътироф этадилар.

Томонлар ана шу ва Томонларнинг бошқа муштарак манфаатларини, шу жумладан, Озарбайжон Республикасининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикалараро маслаҳат кенгаши билан ҳамкорлик қилиш доирасидаги манфаатларини рўёбга чиқарувчи махсус давлатлараро шартномалар ва ҳукуматлараро битимлар тузиш, зарур ҳолларда умумий мувофиқлаштирувчи институтлар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

7-модда

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида яқин ҳамкорлик қиладилар, Орол денгизи ва Оролбўйи теварак-атрофининг экологик фалокати бутун сайёрамизга хавф солаётганлигини, шунингдек Каспий денгизи муаммолари билан боғлиқ хатарнинг кундан-кунга ортиб бораётганини англаган ҳолда Орол ва Каспий денгизлари экологик тизимини қайта тиклашда куч-ғайратларини бирлаштириш ва уйғунлаштириш, ҳар икки Томон халқ хўжалиги манфаатлари йўлида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш мажбуриятларини оладилар.

8-модда

Томонлар вилоятлар, шаҳарлар ва ноҳиялар доирасида турли хил алоқалар ва ҳамкорликлар йўлга қўйилишига, хўжалик, жамоат, маданият, фан, ўқув ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, давлат идоралари ўртасида кенг муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашадилар.

9-модда

Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг ўз ҳудудида мулкчилик турлари ва шаклларини мустақил равишда белгилаш ва мулкий муносабатларни мустақил равишда тартибга солиш ҳуқуқини тан олади.

Бир Томоннинг бошқа Томон ҳудудида жойлашган давлат ташкилотлари, юридик шахслари ва фуқароларининг мулкий ҳуқуқлари мулк турган Томоннинг қонунларига мувофиқ ҳимоя қилинади.

Томонлардан бирининг, шунингдек унинг фуқаролари ва юридик шахсларининг бошқа Томон ҳудудида бўлган мол-мулки шу мулк турган Томоннинг қонунларига мувофиқ фақат суд йўли билангина мажбуран сотиб олиниши ва мусодара қилиниши мумкин.

10-модда

Томонлар иқтисодий муносабатлар соҳасида бир-бирларига энг мақбул режимни яратиб берадилар.

Томонлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, банклар ва молия системаси, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклларига асосланган корхоналар, бирлашмалар (шу жумладан, қўшма корхоналар), якка тадбиркорлик даражаларидаги иқтисодиётга, савдо-сотиққа, фан-техникага оид муносабатларнинг ривожлантирилишини таъминлайдилар.

Томонлар иқтисодий ҳамкорликнинг конкрет механизмлари, жумладан, савдо йўли билан айирбошлаш, бир-бирига мол етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш, ўзаро тўловлар, нарх-наволар, қийматли қоғозларнинг ҳаракати, алоқа, юк ташиш, ахборот соҳасидаги ҳамкорлик махсус ҳукуматлараро ҳужжатлар билан тартибга солинади, деб келишиб олдилар.

Томонлар нарх-наво сиёсатини мувофиқлаштириш тадбирларини юритиш мажбуриятини зиммаларига оладилар ва бошқа Томонга зиён етказувчи бир томонлама иқтисодий чораларни қўлламайдилар.

11-модда

Томонлар ўз ҳудудларида жойлашган денгиз, дарё ва ҳаво портлари, темир йўл ва автомобиль йўллари шаҳобчалари ва магистраль қувурлар орқали транзит транспорт операцияларини таъминлайдилар.

Транзит транспорт операцияларини амалга ошириш шарти ва тартиби Томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

12-модда

Томонлар маънавий соҳада бир-бирларини бойитувчи алоқалар боғлаш учун, ҳар икки давлат халқларини бир-бирларининг анъаналари, маданият соҳасидаги ютуқлари билан таништириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берадилар. Шу мақсадда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар ва ижодий жамоалар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликнинг турли шаклларидан фойдаланилади.

13-модда

Томонлар давлатлараро муносабатларнинг барча бошқа соҳаларида шартномалар ёки битимлар тузиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

14-модда

Томонлар бир-бирларида мухтор ваколатхоналар очишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Ваколатхоналар очиш тартиби ва уларнинг мақоми махсус битимлар билан тартибга солинади.

15-модда

Ушбу Шартнома нормаларини шарҳлаш ва татбиқ этишга оид низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

16-модда

Ушбу Шартнома Томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва улар билан Шартномалар тузиш ҳуқуқларига даҳл қилмайди.

Ушбу Шартнома учинчи томонларга қарши қаратилмаган.

17-модда

Томонлар ушбу Шартноманинг ижроси юзасидан мунтазам равишда икки томонлама маслаҳатлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

18-модда

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқларини айирбошлаш маросими Боку шаҳрида бўлади.

Ушбу Шартнома ратификация ёрлиқлари айирбошланган куни кучга киради.

19-модда

Ушбу Шартнома беш йил муддатга тузилади.

Томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишда давом этишининг қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машваратлар доирасида музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу Шартноманинг қоидаларига қўшимчалар ёки ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Башарти Томонлардан ҳеч бири Шартномани бекор қилиш истагини Шартнома муддати тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, Шартноманинг амал қилиш муддати кейинги беш йилга узайтирилади.

Шартнома 1991 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди ва улар бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Озарбайжон Республикаси номидан
Озарбайжон Республикасининг Президенти
А. МУТАЛИБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталади, ҳар иккала хўжалик субъектлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан, бозор муносабатлари учун қулай шарт-шароитлар яратишдан ўзаро манфаатдорликка асосланиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Республикаларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларини ягона иқтисодий макон доирасида тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро мақбуллик асосида амалга ошириш ҳамда бир-бирларига иқтисодий зарар етказадиган хатти-ҳаракатларни қилмаслик.

2-модда

1992 йил учун шартномалар тузишда 1990 йилда вужудга келган республикалараро маҳсулот ва товарлар етказиб бериш лимитлари ҳажмларини асос учун қабул қилиш.

Ҳукуматлар даражасида 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсулотлар ва товарларнинг муҳим турларини етказиб беришни бошқариб туришни амалга ошириш.

Тегишли бошқарув органлари орқали муҳим турлар рўйхатига кирмаган маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш учун шартномалар тузиш устидан назорат ўрнатиш.

Хўжалик субъектларига вужудга келган маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш ҳажмларини, айниқса ичида тармоқ ва тармоқлараро шерикчилик алоқалари бўйича сақлаб қолишда ёрдам кўрсатиш ҳамда корхоналар томонидан ўрнатиладиган бевосита хўжалик алоқаларига чеклашлар жорий қилмаслик.

3-модда

Нарх-наво белгилаш соҳасида ягона келишилган сиёсат ўтказиш ва ўзаро ҳисобкитобларга тегишли нархларни бошқариш бўйича биргаликда қарорлар қабул қилиш ҳамда ҳар икки республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) қайд қилинган ва шартнома нархлари бўйича, маҳсулотларнинг келишилган муҳим турларини эса жаҳон нархлари бўйича етказиб беришни амалга ошириш.

4-модда

Корхоналар ва ташкилотларнинг марказлашган тартибда бошқариладиган республикалараро маҳсулот ва товарлар етказиб беришни бажаришларини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш, ўзаро маҳсулот етказиб беришларнинг қандай бораётгани тўғрисида ҳар кварталда ахборот айирбошлашни ташкил этиш.

Етказиб берувчиларнинг манфаатдорлигини ва жавобгарлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлар ва жазоларни келишиб олиш ва қўллаш.

5-модда

Маҳсулотни қайта экспорт қилишга йўл қўймаслик ва бу тартибнинг бузилиши қайта экспорт қилинган маҳсулотнинг тегишли валютадаги қийматини тўлашга олиб келади деб ҳисоблаш.

6-модда

Қўшма корхоналар, шу жумладан, икки республика ҳудудларидан ташқарида жойлашган шериклар билан қўшма корхоналар тузишда ёрдам бериш.

7-модда

Корхоналарга, ташкилотларга ва фуқароларга тегишли транспорт воситаларининг ҳар икки жумҳурият ҳудудидан ўтишининг мавжуд тартибини сақлаб қолиш. Томонларнинг ташаббусига кўра ташиш ва олиб бориш, шу жумладан, олиб ўтилувчи юкларни, нефть ва газни ҳамда электр қувватини узатиш тартиби махсус шартнома билан белгиланади.

8-модда

Томонлар малакали ишчилар, мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ва қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишиб олдилар. Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳар йили ўрин ажратиш, шунингдек, етакчи саноат корхоналарида ишчи ходимларни тайёрлаш ва стажировкадан ўтказиш назарда тутилади.

9-модда

1991 йилнинг 1 ноябрига ча республикаларнинг вазирликлари ва идоралари ўртасида шартномалар тузишни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича протоколларни имзолашни тугаллаш.

10-модда

Битимни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўриш.

11-модда

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Битим икки нусхада ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди ва 1991 йилнинг 19 октябрида Тошкент шаҳрида имзоланди. Барча матнлар айнан бўлиб, уларнинг барчаси бир хил кучга эгадир.

Озарбайжон Республикаси Бош вазири
Г. ГАСАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси вице-президенти
Ш. МИРСАИДОВ.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 21 октябрь ТАСС парламент мухбирлари Кремлдан хабар қиладилар:

Бугун Кремлда эрталаб соат ўнда янги таркибдаги СССР Олий Кенгашининг биринчи сессияси очилди. Сессияга РСФСР, Белорусь, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон вакиллари келдилар.

Палаталар мажлислар залига ССР Иттифоқи Давлат байроғи ва СССР Олий Кенгаши ишида қатнашаётган республикаларнинг давлат байроқлари ўрнатилган. СССР Президенти Михаил Горбачев сессияда иштирок этмоқда, унинг парламент аъзолари ҳузурида сўзга чиқиши кутиляпти.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА ТАНАФФУС ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

МОСКВА, 21 октябрь. ТАСС парламент мухбирлари Кремлдан хабар қиладилар:

СССР Президенти Михаил Горбачевнинг 25 минут давом этган нутқидан сўнг СССР Олий Кенгаши биринчи сессиясининг қўшма мажлисида соат 16 га қадар танаффус эълон қилинди. Танаффусдан сўнг сессия палаталар — Иттифоқ кенгаши ва республикалар кенгашининг алоҳида-алоҳида мажлисларида ишни давом эттиради.

Палаталар мажлислари бошлангунига қадар депутатларга ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун республика вакилларининг кенгашларини ўтказиш таклиф этилди.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДДА БЎЛИШИ

Озарбайжон Президенти А. Н. Муталибов бошчилигидаги Республика делегацияси 20 октябрь куни Самарқандни зиёрат қилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳам меҳмонлар билан бирга бўлди.

Самарқанд аэропортида делегацияни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов, вилоят ижроия комитетининг раиси Т. Р. Қиличев, шаҳар раҳбарлари кутиб олдилар. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини, диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улуғбек расадхонаси, Регистон меъморчилик дурдоналари, Бибихоним масжиди уларда катта таассурот қолдирди. Делегация Алишер Навоий музейига борди, шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбар қўйди.

Озарбайжон делегацияси шарафига зиёфат берилди.

Шу куни Озарбайжон делегацияси Самарқанддан Бокуга жўнаб кетди. Аэропортда делегацияни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг Раиси П. М. Абдураҳмонов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЕСАТИНИНГ СЎНГГИ МАЖЛИСИ

МОСКВА, 18 октябрь (ТАСС мухбирлари Людмила Ермакова ва Николай Железнов). Бугун амалда яна бир иттифоқ тузилмаси қулади, — деди Рафиқ Нишонов Кремлда СССР Олий Кенгаши Раёсатининг сўнгги мажлисини оча туриб. ССР Иттифоқининг 5 сентябрдаги қонунига мувофиқ мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи 21 октябрь куни икки мустақил палата таркибида тўпланади, ўтмишга айланган тузилма ўрнини қандай мувофиқлаштирувчи ва ваколатли орган эгаллашини ҳозирча ҳеч ким билмайди.

Мажлисда сўзга чиққан Иттифоқ Кенгашининг раиси Иван Лаптев республикаларо тайёргарлик комитети янги таркибдаги Олий Кенгашнинг биринчи сессияси 21 октябрда очилиши учун бугунгача ҳамма ишни қилганлигини айтди. (ТАСС).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

МОСКВА, 18 октябрь (ТАСС махсус мухбири). Саккиз республика раҳбарлари бугун Кремлда суверен республикалар иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Унинг мақсади — мамлакатни тангликдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги алоқаларини тиклаш, ишлаб чиқариш таназзулини тўхтатиш ва пул тизимини изга солиш юзасидан ҳамкорлик қилиш учун барча республикаларга умумий негизни яратишдан иборат.

Катта Кремль саройининг Георгий залида шартномани: Арманистондан — Республика Президенти Левон Тер-Петросян, Белоруссдан — Олий Кенгаш Раиси Станислав Шушкевич, Қозоғистондан — Республика Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистондан — Республика Президенти Асқар Акаев, Россиядан — Республика Президенти Борис Ельцин, Тожикистондан — Республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Акбаршо Искандаров, Туркманистондан — Республика Президенти Сафармурод Ниёзов, Ўзбекистондан — Республика Президенти Ислом Каримов имзоладилар.

Шартномани СССР Президенти Михаил Горбачев имзолаб тасдиқлади.

СССР Президенти бугун Кремлда саккиз республика имзоланган суверен республикаларнинг иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани, мамлакат ҳаётидаги «жуда катта воқеа» деб атади. У имзолаш маросимидан сўнг Катта Кремль саройининг Владимир залида журналистлар билан учрашувни ана шу сўзлар билан бошлади.

У республикалар бу воқеага «узоқ йўл босиб келганликларини», «катта ғовларни енгиб ўтганликларини» айтди. «Бугун шундай катта қадам ташланиб, ушбу шартнома имзоланган экан, бу жамиятда биргаликда яшаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, тангликдан биргаликда чиқиб олиш ва барча халқлар манфаатларини кўзлаб, жўшқин тараққиёт йўлига чиқиб олиш истаги кучли эканлигининг далилидир, мана шу истак олий ҳокимият органлари ва республикалар раҳбарлари тутган йўлда ифодаланмоқда», — деб таъкидлади СССР Президенти.

Михаил Горбачев журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, шартномага «бошқа республикалар ҳам қўшиладилар». Шу жумладан, Украина, Озарбайжон ҳам қўшилади, деб ишонч билдирди, шартномани Молдова раҳбарлари ҳам қўллабқувватламоқда. СССР Президенти бу республикалар «вақтни чўзиб ўтирмай шартномага қўшилишлари» учун улар билан музокараларда иштирок этишга тайёр эканлигини айтди. «Украинанинг шартномага эътироздаги бор, эндиликда уларнинг кўпи бартараф этилди, айрим бандларгина қолди, менимча, улар ҳам равшанлаштирилади», деб илова қилди Президент.

Шунингдек, Михаил Горбачев, унинг фикрича, «шартнома амал қилишини, чунки ҳозирги танг вазиятдан чиқишнинг бошқа ишончлироқ усули йўқлигини» таъкидлади. Шартнома бажарилишининг кафолати деди у, «аввало барча республикалар ҳозирги танг вазиятдан фақат биргаликда чиқа олишимизни англаб етганликларидадир».

СССР Президенти «жамиятда тотувлик кучайиб бораётганига қарамай», «бунинг ҳамма сиёсатчилар ҳам англаб етмаганлигини ва сиёсий ўйинни тўхтатмаётганликларини, яна сайловолди кампаниялари муносабати билан қандайдир йўл билан енгил обрў топишга уринаётганликларини» таъкидлади. Лекин олдинда «вазиятни қўлга олиш учун қийин давр, оғир ечимлар, халққа мақбул бўлмайдиган чоралар турибди», деди у. «Аҳил бўлмасак биз вазиятни қўлга ололмаймиз» деб таъкидлади Михаил Горбачев ва «бундан буён ҳам мухолифлик йўлидан, қаттиқ қарама-қаршилик йўлидан борадиган бўлсак, у ҳолда оғир вазиятга тушиб қоламиз, бундай вазият ортидан фақат фалокат келиши мумкин», деб илова қилди.

Мустақил давлатлар ўртасидаги янги иқтисодий муносабатларнинг янги асоси бор, — Унда «қаттиққўл марказ йўқ», деди Россия Президенти Борис Ельцин. «Бозор муносабатларига ўтиш чоғида ва айниқса, ҳозир бизни қийин ва оғир қиш ойлари кутаётган бир пайтда бу жуда муҳимдир», — деди Россия раҳбари.

РСФСР Президенти эҳтиросларга берилмаслик керак, деб огоҳлантирди. Яна 18—20 битим бор, шартномани ижро этиш йўлида ва шу шартномани амалга ошириш учун ана шу битимларни имзолаш керак, деди у. Агар шартнома «ишлайдиган бўлса», деди Россия Президенти, «у келгуси йилнинг сентябригача ёки кузигача Россиядаги, мамлакатдаги вазиятни ҳар ҳолда барқарорлаштиришимизга ёрдам беради, шундан сўнг одамлар турмушини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш бошланади». Россия раҳбари шундай бўлишига ишонч билдирди, лекин унинг гапларига қараганда, ислоҳотларни — молиявий, иқтисодий, аграр ислоҳотларни, юқоридан қуйигача ижроия ҳокимият тузилишини ислоҳ этишни тез ва жўшқин амалга ошириш учун одамларга ёқмайдиган, лекин зарур чораларни кўришга тўғри келади.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев имзолаган тарихий ҳужжатдан зўр мамнуният изҳор қилиб шуни таъкидладики, «ҳозирги вақтда энг муҳими — барча республикалар битимнинг ҳамма бандларини бажаришларидир. Республикаларнинг парламентларида ягона иқтисодий маконни барпо этмай туриб ҳозирги иқтисодий тангликдан ёлғиз чиқа олмаслигимизни, ниҳоят тушуниб етишлари лозим».

Арманистон иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш йўлини танлаб олди. Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян Арманистон раҳбариятининг ана шу йўлини изоҳлаб, имзоланган ҳужжат республикалар ўртасидаги сифат жиҳатидан янги муносабатни билдиришини айтди. 74 йил давомида биринчи марта бундай шартномада сиёсий мулоҳазалар ўз ўрнини иқтисодий мулоҳазаларга бўшатиб берди.

РСФСР Президенти Борис Ельцин «Шартнома ҳамманинг тенглигига асосланганлигини унинг энг муҳим хусусияти» деб атади. Бу шартнома «мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида тузилган, бинобарин, уларнинг ўртасидаги муносабатлар ҳам шунга мувофиқ равишда бўлади». У шартнома республикалар, хусусан, жанубдаги республикаларбилан нотенг муносабатларни мустаҳкамлайди, деган таҳминларни рад этди.

Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қўллаб-қувватлаб, шартномага мувофиқ «Биз — тенг ҳуқуқли давлатлар — республикаларимиз», деди ва «Россия билан бизнинг орамизга ҳеч ким низо сола олмайди», дея таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг гапларига қараганда, бугун имзоланган шартнома «мустақил республикалар ўртасидаги келишувнинг мевасидир, лекин бу демократик келишувдир, бу соғлом фикр ва соғлом ироданинг қурилишидир».

Украина Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Иван Плющ шартномани имзолаш маросимида иштирок этган Украина вакиллари номидан гапириб, «гўёки Украина «эшикни ёпиб чиқиб кетди» ва ушбу шартномани кўриб чиқишни ҳоҳламаяпти деган фикрга» қарши гапирди. У Украина бугун шартномани имзолаган республикалар билан икки томонлама шартнома тузгандан кейин «иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлади ва шартномага албатта қўшилади ҳамда уни имзолайди, деб «қатъий ишонч» билдирди.

Михаил Горбачев Ғарбдаги шериклар эндиликда Совет Иттифоқида ким билан муомала қилиши керак, деган саволга жавоб қайтариб, бу — Иттифоқ ва Республикалар раҳбарларини бирлаштириб турган давлат кенгашидир, шунингдек давлатлараро иқтисодиёт комитетидир, деди.

Борис Ельцин СССР Президентидан сўнг ушбу фикрни давом эттириб, сўнгги вақтда Ғарб иқтисодий ҳамкорликни бошлашда кузатувчилик мавқеида турганлигини, бунинг сабаби бугунги шартноманинг имзоланишини кутиш эканлигини айтди. Эндиликда улар Иттифоқ даражасида стратегияни ишлаб чиқиш вазифасига кирадиган марказ билан ҳам, аниқ иқтисодий ишларни ҳал қиладиган республикалар билан ҳам иш олиб боришлари мумкин, деди у.



ҚАШҚАДАРЁНИНГ ҲОСИЛ ДАРЁСИ

● ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАРИ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 480 МИНГ ТОННАДАН ЗИЕД «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРДИЛАР. УНИНГ 91,5 ФОИЗИ БИРИНЧИ НАВГА СОТИЛДИ.

● САЛКАМ 70 ФОИЗ ҲОСИЛ МАШИНАЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАР УМУМИЙ ХИРМОННИ 510 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР.

АНИҚ ТАДБИРЛАР ҚЎЛ КЕЛДИ

Қашқадарё вилояти пахтакорлари йиллик режани бажаришди. Давлат қабул пунктларига 480 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди.

Вилоят бўйича ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнерга етказилди. Ҳосилнинг 91,5 фоизи биринчи навга сотилди.

Улкан ютуқ енгилгина қўлга киритилгани йўқ, албатта. Баҳорнинг деҳқончилик учун ўта ноқулай келганлиги, муттасил ёғингарчилик, сел ва дўл ёғишига қарамай дала меҳнаткашлари кайфиятини туширмаган ҳолда тадбиркорлик билан иш тутдилар. Бир сўз билан айтганда, табиий офатга жасоратли меҳнатни қарама-қарши қўйдилар. Натижада ҳамма жойда мўл ҳосил етиштирилди.

Бу йилги пахта хирмонимизнинг ўзига хос қадр-қиймати бор. Чунки жумҳуриятимиз мустақиллигининг илк ҳосили бу. Халқимиз биринчи марта ўз меҳнати маҳсулидан баҳраманд бўлишига, қолаверса, бойликларини ўз манфаатлари йўлида ишлатишга эришди. Ана шунинг ўзи ҳам пахтакорларнинг ғайратини оширди.

Давлат ва жамоа хўжаликларида йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Пахта йиғим-терими билан банд бўлган кишиларга унумли меҳнат қилиш учун барча қулайликлар яратилди. Савдо, маиший хизмат, медицина ишлари далаларга кўчирилди. Иш ҳақлари ўз вақтида берилиб, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам бир неча кундан бери мажбурият ҳисобига пахта тайёрлаётган Баҳористон, Мубарак, Ульянов, У. Юсупов, Қарши, Косон ва Ғузор районлари энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Айниқса Косон ва Ульянов районлари охирги кунларгача 2,5—3 фоизлик суръатни туширмадилар.

Кўплаб давлат хўжаликлари йиллик режадан ортиқ 10—20, ҳатто 30—40 фоиз миқдорида пахта тайёрладилар. Бундай донгдор хўжаликлар қаторида Баҳористон районидаги 27-, Мубарак районидаги А. Султон номли, «ВЛКСМ 60 йиллиги», Ульянов районидаги «Пахтакор», «Партия XXIV съезди», У. Юсупов районидаги Беруний номли, Ульянов номли, Ғузор районидаги Ленин номли, Қарши районидаги А. Икромов номли давлат хўжаликлари, Косон районидаги Ленин номли, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликлари бор.

Пахтазорларимизда 3,5 мингта «зангори кема» ишлади. Ялпи ҳосилнинг 300 минг тоннадан ортиғи салкам 70 фоизи машиналар бункеридан тўкилди. Ҳар бир терим агрегатининг иш унуми 100 тоннага яқинлашиб қолди. Қўриқ районлар асосан техникага таяндилар. Мубарак райони 80 фоиз, Ульянов ва У. Юсупов районлари 85 фоиздан ҳосилни машиналар ёрдамида териб олдилар. Қўриқ Нишон райони механизаторлари машина терими режасини 120 фоизга етказиб адо этишди. У. Юсупов районидан Ҳ. Ҳазратов, Ғ. Баротов, баҳористонлик Т. Норматов, қаршилиқ Ў. Мавлонов, шаҳрисабзлик Ф. Суюнов, А. Safаров, косонлик Э. Эсонов, И. Муродов каби илғор дала гвардиячиларнинг ҳар бири 160—200 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритишди.

Республикамиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан пахта ҳарид нархининг ошириши миришкор деҳқонларимизни ғоят хурсанд қилди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда пахта ҳарид нархининг оширилишидан вилоятимиз 421 миллион сўм ортиқча даромад олиши мўлжалланмоқда. Албатта, шу маблағнинг бир қисмини меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга сарфлаймиз. Соф фойдамиз 300 миллион сўмдан ошиб, рентабеллик 35—40 фоизга кўтарилиши кўзда тутилмоқда.

Йиллик режа уддаланган бўлсада, йиғим-терим сусайгани йўқ. Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Пахтакорларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга қўшимча 30 минг тоннага яқин пахта топшириш ва ялпи хирмонни 510 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Республикамиз Президенти Фармонига биноан етиштирилган пахтанинг бир қисми хўжаликлар тасарруфида қолдирилиши, ички ва ташқи бозорлар билан бевосита алоқалар ўрнатилиши ана шу режани амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш, келгуси йил ҳосилига пухта тайёргарлик кўришдек долзарб ишларга киришиляпти. Шунингдек, вилоятда, пилла, ғалла, сабазавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар топшириш йиллик режалари ҳам уддаланди. Вилоят Кенгаши меҳнаткашларни вужудга келган иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, аҳоли таъминотини яхшилаш йўлида республика раҳбариятининг ғамхўрлиги ва мададига таяниб, бутун имкониятларни ишга солмоқда.

Т. ХИДИРОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси.

СУРАТДА: Қарши районидаги А. Икромов номли давлат хўжалиги директори Ўринбой Каримов ишчилар даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ДЕЯРЛИ ҲАММАСИ БИРИНЧИ НАВГА

Хўжалигимиз меҳнатчилари вилоятимиз хирмонига муносиб ҳисса қўша олганидан фахрланаман. Фахрланмай бўладими, ахир. Чўлқуварлар давлат омборига 2250 гектар ердан режадаги 4200 тонна ўрнига 4700 тонна сифатли пахта топширдилар. Энг қувонарлиси, шунинг 98 фоизи биринчи навга сотилди.

Бу йилги йиғим-терим техника зиммасига юклатилди. Пайкалларда 50 та агрегат ишлади. 3900 тоннадан зиёд пахта машиналар бункеридан тўкилди. Ҳар бир механизаторга терган бир тонна пахтаси учун дастлабки кунлари 25 сўмдан, кейинчалик эса 50 сўмдан ҳақ тўладик. Моддий манфаатдорлик механик-ҳайдовчилар ғайратини оширди. О. Саидов, Б. Жумабоев, Ю. Жўраев, К. Тўхтаев, Ж. Тўхтаев, М. Мавлонов сингари дала гвардиячиларнинг ҳар бири эл хирмонига 150—180 тоннадан пахта тўкишди. Меҳнат аҳлига ғамхўрлик кучайтирилганлиги, техника ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлиги учун, йиллик режа барвақт бажарилди. Ж. Мелиев бошлиқ агроучастка 1054 тонна ўрнига 1452 тонна, Ў. Тожиев бошлиқ агроучастка 1028 тонна ўрнига 1428 тонна, Д. Ҳайдаров бошлиқ агроучасткa 712 тонна ўрнига 925 тонна ҳосил топширди. Э. Мелиев, Н. Тоҳиров, Қ. Тўхтаев, Р. Тожиев, Қ. Набиев, Ю. Жўраев, Э. Жўраев, Э. Ҳусеновлар бошлиқ бригадалар гектаридан 35—40 центнердан хирмон кўтардилар.

Ўтган йил якунида бир миллион 800 минг сўм соф даромад олинган бўлса, бу йил етти миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутиляпти. Даромадимиз эвазига қишлоқларимиз обод бўлмоқда. Кўчаларга асфальт ётқизилди. Тегирмон қурилди. Чойхона ва ҳаммом қуриляпти. Хонадонларга табиий газ келтирилди. Хитой қишлоғида иккита ўрта мактаб барпо этиляпти. Районда биринчи бўлиб аълочи ўқувчиларга стипендия беришни йўлга қўйдик. Яқинда илғор ишчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларидан юз нафарини «Қишлоқ ҳақиқати» ва «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномаларига, шартнома асосида 150 кишини «Ўзбекистон овози» рўзномасига хўжалик ҳисобидан бепул обуна қилдик. Шу билан бир қаторда келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳам бошлаб юбордик.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Мубарак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалиги директори.

СЎНГГИ ХАБАРЛАРДАН

● Чироқчи районининг пахтакорлари йиллик режани бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлат қабул пунктларига 31 минг 400 тонна «оқ олтин» топширилди. Меҳнатсевар деҳқонлар режага қўшимча яна 3 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

● Қўриқ Нишон райони чўлқуварлари ҳам давлатга пахта сотиш юзасидан зиммаларига олган топшириқни ошириб бажардилар. Давлат қабул пунктларига 60 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб берилди. Ҳосилнинг 97 фоизи терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди.

Далаларда ҳосил кўп. Нишонликлар ялпи хирмонни 70 минг тоннага етказишни мўлжаллашмоқда.

● **Усмон Юсупов районидаги Беруний номли давлат хўжалиги биринчи бўлиб, дастлабки довондан ошган эди. Хирмонга тўкилган 8 минг тонна пахтанинг ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди.**

ФАҚАТ МАШИНАЛАР БИЛАН

Чўл пахтачилигини техникасиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, бизнинг қўриқ районимизда қўл кучи кам. Дала юмушларининг асосий қисми машиналар зиммасига юклатилган. Давлат хўжалигимиз ҳозиргача 8 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрлади. Йиллик режа 140 фоизга уддаланди. Ана шу ҳосилнинг ҳаммаси агрегатлар бункеридан тўкилди.

Биз оилавий экипаж тузганмиз. Ака-укаларим — Ботир ва Омон Илёсовларнинг ҳар бири 150 — 200 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритишди. Ўзимнинг терган пахтам 200 тоннадан ошиб кетди.

Хўжалигимизда илғор механизаторлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ака-ука Ширинбобо ва Нормўмин Пардаевлар, Ризо ва Исроил Бобоқуловлар, Тошмурод Турдиев каби моҳир дала гвардиячилари шулар жумласидандир.

Ниҳоят пахтакор ва механизаторнинг кўкрагига шамол тегди: пахтанинг харид нархи оширилди. Терган пахтамизнинг ҳар тоннасига 25 сўмдан ҳақ олдик. Бу ғамхўрлик кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди. Вилоятимиз пахтакорларининг меҳнат ғалабасида бизнинг ҳам муносиб улушимиз борлигидан ғоят хурсандмиз.

А. ИЛЁСОВ,
У. Юсупов районидаги Беруний номли 33-давлат хўжалиги механизатори.

ДАРЁДАН БИР ТОМЧИ

Қўлда пахта теришнинг ҳам завқи бор. Ёз бўйи ғўза парваришида қатнашсам, кузда этак боғлаб пахта тераман. Мана, тўрт йилдан бери Раҳматилла Шодмонов бошлиқ бригадада меҳнат қиляпман.

Ўтган йили мавсум давомида 10 тонна пахта тергандим. Бу йилги терган пахтам ундан ошди. Аҳдим эса 12 тонна. Қанча кўп пахта терсак, ўзимизга фойдалида. Бир килограмм пахта 40 тийин. Қачон шундай бўлганди, ахир? Агар 100 килограмм пахта терсак, ўша куниёқ 40 сўм оляпмиз. Илгарилари шунча пулни ойлаб меҳнат қилган колхозчи ҳам ололмасди.

Дугонам Мейлихон Абдумуродова ҳам чакки ишламаяпти. Биз ўзаро баҳслашиб, кунига 100 килограммдан пахта теряпмиз. Шунга яраша иш ҳақи ҳам оляпмиз. Бригадамиздан тортиб район, вилоят ва жамоа хўжалигимиз ҳам юксак маррани уддалади. Эндиги навбат — жумҳуриятимизга. Гарчи дарёдан бир томчи бўлса ҳам улкан хирмонга камтарона ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Д. БОЗОРОВА,
Косон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги теримчиси.

СУРАТДА: Қарши районидаги А. Икромов номли давлат хўжалигида қурилган пахтани ортиш пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БИРИНЧИЛАРДАН БИРИ

Чаман-чаман очилган «оқ олтин»ларга термулиб тўймайди, киши! Унинг замирида қанчадан-қанча деҳқонинг пешона тери, жасоратли меҳнати маҳсули ётибди.

Қарши районида катта карвоннинг бошида бораётган А. Икромов номли давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил 1970 гектар ерда «Юлдуз» ва «Бухоро-6» нави ҳосилини етиштирдилар. Ғўза барги ер аппаратлари ёрдамида тўкилтирилди. Машинабоп қилиб ўстирилган барча майдондаги ғўза тупларини безаган маржон-маржон кўсаклар бир текис оппоқ бўлиб очилди. Далаларда 50 та терим агрегати шитоб билан ишлатилмоқда.

— Очиғи, меҳнат аҳлига ўз вақтида ҳақ бераётганлигимиз ва моддий рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги ютуқлар омили бўляпти,—дейди хўжалик директори Ҳ. Каримов.—Тўрт қаторли машина билан бир тонна пахта терган механизаторга 30 сўм, икки қаторлигида бир тонна пахта терган механизаторга 40 сўмдан ҳақ тўлаяпмиз. Биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллаган бригадага — 2,5 минг, иккинчи ўринни эгаллаганга — 2 минг, учинчисига — 1,5 минг сўм пул мукофоти бердик.

Дарҳақиқат, пахтазорда меҳнат беллашуви авжида. Беллашувда ҳозирча А. Йўлдошев бошлиқ 1-участка, А. Суяров бошлиқ 4-участка олдинда.

Ҳ. Эшмуродов, М. Дўстов, Ҳ. Ашуров, Б. Бобомуродов, О. Маҳкамов сингари моҳир механизаторлар кунига эл хирмонига 4,5—5 тоннадан пахта тўкмоқдалар.

— Ўтган йили тўрт қаторли машинада 167 тонна пахта тергандим, — дейди тажрибали механизатор У. Ҳайдаров, — ҳамкасбим Ҳ. Ашуров ҳам шунча миқдорда пахта тергандi. Иккаламиз ҳам мукофотга янги «Москвич» енгил автомашинаси олишга муяссар бўлдик. Бу йилги режамиз ҳам кам эмас, 200 тоннадан!

— Ҳар йилгидек бизни сортни аниқлаш масаласи қийнаяпти, — деди Ҳ. Каримов. — Мана, бу йил ҳам етиштирилган янги навлардаги ҳосилни қабул қилиб олиш ва созлаш учун махсус кўрсаткич йўқ. Оқибатда юқори навли пахта ҳам пастки навга кетди. Ахир бу деҳқон меҳнатига ҳурматсизлик-ку?! Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу масалани зудлик билан жиддий ўйлаб кўрмоғи лозим.

Хўжалик давлатга режадаги 4550 тонна ўрнига 4660 тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб берди. Марра—5,5 минг тонна.

М. КАРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТИДА

Тошкентда Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши экология ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг мажлиси бўлди. Унда Президент аппарати бўлимларининг, Олий Кенгаш котибиятининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар қатнашдилар.

Мажлисда Табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунни бажариш юзасидан республикада ерости сувларининг ҳолати ва сифати тўғрисидаги, «Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонунни бажариш юзасидан республика табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги Орол муаммоси юзасидан амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги, комитетнинг «Тошкент вилояти айрим минтақаларидаги экология вазияти ва уни яхшилаш вазифалари тўғрисида» ва «Фарғона шаҳри ҳамда Тошлоқ районидаги қониқарсиз экология вазияти ва уни соғломлаштириш чоралари тўғрисидаги»ги қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгра депутатлар «Ерости бойликлари тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Бу қонун лойиҳаси асос учун қабул қилинган эди. Ишчи гуруҳига тушган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини тайёрлаш ишини давом эттириш тавсия этилди. «Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Депутатлар қонун лойиҳасини маъқулладилар. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига муҳокама қилиш учун тақдим этишга қарор қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).



ЭНГ КАТТА СОАТ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Тошкент курантн таъмирлаш учун тўхтатилди. Энди ҳафта давомида мутахассислар соат механизмларини қайтадан созлашади.

— Ўзбекистон Республикаси пойтахти рамзи ҳисобланган ушбу соат 1974 йилда ўрнатилган эди, — дейди курантнинг бош қўриқловчиси Леонид Иванович Малик. — Қачонлардир у немисларнинг Эль-штадт шаҳарчаси кўрки бўлган. Уруш даврида ҳаробага айланган шаҳарчадан бузилган курантни юртдошимиз А. Азиништейн Тошкентга олиб келган.

Кейинчалик соат созлангач, шаҳар марказига ўрнатилган. Ўшандан буён пойтахтликлар унга қараб вақтни белгилашади.

СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент курантн. 2. Ўрта Осиё бош соатини таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) олган суратлар.



РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

19 октябрь куни йиғим-терим ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни тугаллаш, 1992 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш, қиш шароитида чорвачилик фермалари ишини таъминлаш масалалари хусусида селектор орқали кенгаш бўлди.

Кенгашда жойлардаги селектор олдига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, халқ депутатлари вилоят ва район Советларининг, вилоят ва район ижроия комитетларининг раислари, вилоят қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари таклиф этилди. Республика студиясида деҳқончилик-саноат комплекси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, Республика Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов нутқ сўзлади. Кенгашда Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков иштирок этди.

ГОЛЛАНДИЯДАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Деярли 90 тоннали юк самолётларда Голландиядан тўғри Нукусга келтирилди. Бу юклар жуда тақчил дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар, яра-чақаларни боғлаш материаллари ва тиббий асбоблардан иборат. Дори-дармонлардан ташқари ногиронларнинг аравачалари ҳам совға қилинди. Голландиянинг жамоат ташкилотлари, жумладан Совет Иттифоқига инсонпарварлик ёрдами бериш Нидерландия комитети бу тадбирнинг ташаббускори бўлди.

Бу юклар аэропортдан тўғри Қорақалпоғистоннинг дори-дармонларга жуда муҳтож бўлиб турган ўн учта шифохонасига, жумладан болалар юқумли касалликлари шифохоналарига, туғруқхоналарга келтирилди. Шифокорлар қон, юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланиладиган самарали дориларни, гормон дорилар ва дармондорилар олдилар.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан хабар қилишларича, Ўзбекистонга бошқа давлатлар ҳам инсонпарварлик ёрдами бермоқда. Масалан, Тошкент шаҳридаги биринчи шифохонага Франция болалар шифокорлари юборган юк етиб келди. Бу бемор болалар учун дори-дармонлар ва бир марта ишлатиладиган шприцлардан иборат. Хорижий шифокорлар Ўзбекистонда тажриба орттириш вақтида болалар касалхоналарини дори-дармонлар билан таъминлашдаги қийинчиликларга дуч келиб, ўз пулларига дори-дармонлар сотиб олиб, шифохонага совға қилишди.

Германиядаги кўп жамоат ташкилотлари ва фирмалар Ўзбекистонга бегараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатишди. Сўнгги вақтда у ердан Ўзбекистонга тиббий асбоблардан иборат 400 минг маркалик юк жўнатилди. Бу оликаноб тадбир ташаббускорлари орасида ўзбек шифокорлари кўпдан буён ҳамкорлик қилишаётган «Лабортехника ильменау» фирмаси бор. Айни шу фирма яхши жиҳозланган реанимобилларни сотиб олишда ёрдамлашди, бундай машиналардан республика шифокорлари фойдаланмоқдалар.

Хоразм вилоятига, Қорақалпоғистонга ва бошқа экологик жиҳатдан носоз районларга Ҳиндистон, АҚШ ва Испаниядан олинган дори-дармонлар жўнатилди. Катардан Ўзбекистонга озиқ-овқат келди. Шу совғаларнинг кўпи интернат уйларга, байналмилалчи жангчиларнинг оилаларига, ногиронларга топширилди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги

ЕШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚИРИШ УЧУН ТАЙЁРЛАЙДИГАН ПУЛЛИК МАРКАЗИЙ КУРСЛАР СИРТҚИ БЎЛИМГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сиртқи курслар дорилфунуннинг математика, амалий математика ва механика, физика, геология, география, ўзбек филологияси, роман-герман, шарқ, журналистика, тарих, фалсафа-иқтисод, кимё, биология, ҳуқуқшунослик куллиётларига кириш учун тайёрлайди.

Сиртқи курсларга ўрта маълумотга эга бўлган ва ўрта мактабнинг 10—11-синфида ўқиётган ёшлар қабул қилинади.

Ўрта маълумотлилар ва мактабни битирувчилар курсларда бир йил таълим олиш учун 110 сўм миқдорида қуйидаги манзилга пул юборадилар: 700095, Тошкент шаҳри, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат Дорилфунуни қошидаги марказий пуллик тайёрлов курслари сиртқи бўлими, саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар муомала бошқармасидаги 100141859 жорий ҳисобига.

10-синф ўқувчилари шу манзилга 100 сўм юборадилар. Мазкур синф ўқувчиси 11-синф давомида ҳам таълим олишни давом эттириш истагини билдирса, ҳақ тўлаш ва ҳужжатлаштириш қайтадан расмийлаштирилади.

Курсларга қуйидаги ҳужжатларни жўнатиш лозим: курс раҳбари номига ариза (аризада ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, почта индекси, яшаш жойи, манзили, ўқишга кирмоқчи бўлган куллиёти, мактабда чет тилларидан қайси бирини ўқиганлиги кўрсатилади, ўзбек тили ёки рус тилида ўқимоқчи эканлиги аниқ кўрсатилади), ишлайдиганлар иш жойидан, ўқувчилар мактабидан маълумотнома топширадилар, почта орқали пул юборилганлиги ҳақида квитанция.

Ҳужжатлар ҳаммаси бир вақтда юборилади. Акс ҳолда ўқувчи курсларга қабул қилинмайди.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юборинг: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ГСП, ТошДД, 24-ётоқхона, 4-қават, 409-хона (илгариги ҳарбий кафедра), марказий пуллик тайёрлов курслари.

Ўқиш 1991 йилнинг 1 ноябридан 1992 йилнинг 30 июнигача давом этади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга танлаган куллиётига кириш имтиҳонлари топшириладиган фанлар бўйича контроль ишлар ва умумий кўрсатмалар юборилади.

Контроль ишларга ёзилган жавобларга малакали ўқитувчилар томонидан тақризлар ёзилади ва ўқувчиларга қайтариб жўнатилади. Муваффақиятли ўқиганлар учун курс охирида ТошДД биносида бир ойлик кундузги машғулотлар ташкил қилинади.

Сиртқи курсларга қабул қилинганлар айрим сабаблар билан ўқишни давом эттира олмасалар, ўқиш учун тўланган ҳақ қайтарилмайди.

Сиртқи курсларни муваффақиятли тамомлаганларга курсда ўқиганлиги ҳақида ҳужжат берилади.

ҲУЖЖАТЛАР 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЛУҚМА

БИЗ НИМА ДЕЙМИЗУ, ҚЎБИЗИМИЗ НИМА ДЕЙДИ?

Хоразмга меҳмонлар, ҳамкасблар, дўст-биродарлар тез-тез келиб туришади. Бу ерда меҳмоннинг тилаги вожиб. Уларга вилоятнинг энг яхши жойларини кўрсатамиз. Бугунги ҳаёти билан таништирамиз. Хоразмликларнинг меҳнатсеварлиги, қўли гуллиги, қалби очиқлиги ҳаммани ҳам ҳурсанд қилади. Шундай пайтда ўзинг ҳам фахрланиб кетасан.

Лекин кейинги пайтларда меҳмонларга, айниқса, ижодкорларга вилоятни сал ўйланиб кўрсатадиган бўлиб қолдим. Бунинг боиси бор. Яқинда республикага номи танилган ҳамкасбларимиздан бири билан Урганч шаҳридаги вилоят сув хўжалиги идоралари жойлашган бино ёнидан бораётган эдик. Меҳмоннинг нигоҳини катта сурат жалб қилиб қолди. Унда ҳамма ишни уддалашга шай турган қурувчининг сурати акс этган, унинг ортидан одам бўйидай ҳарфлар билан «XXVIII» рақами ёзилган эди. Тушунарли, Рассом КПСС XXVIII съезди қарорлари сув қурилиши ходимларини катта йўлга отлантириб турганлигини ифодалашга интилган.

— Кечирасиз, ҳозир қайси замонда яшаяпсизлар?!

Меҳмоннинг луқмаси аччиқ, айни кезда ўринли эди. Ахир КПСС XXVIII съезди қарорлари у ёқда турсин КПССнинг ўзи йўқ бўлиб кетганига ҳам анча вақт бўлиб қолди-ку. Бугунги кунда республикамизда, жумладан Хоразмда на КПСС, на Компартия бор. Шундай экан сув хўжалиги ходимлари қанузгача йўқ партиянинг қарорини ўзларига байроқ қилиб турганлари қизиқ туюлади. Йўлингиз Хонқа тарафга тушиб қолгудай бўлса бундан ҳам ажиброқ кўргазмали ташвиқотга дуч келасиз. Урганч районидан чиқаверишда йўлнинг чап томонидаги шиор КПСС XXVII съезди ғояларини тарғиб қилиб турибди. Партия XIX конференцияси мазмунидаги паннони эса Туямўйин қурилиши бошқармаси идорасининг қаршисида кўриш мумкин. Бу ҳам ҳолва экан. Дружба шаҳар коммунал хўжалиги идорасида бўлсангиз бу ердаги ходимлар КПССнинг 1990 йил январь Пленуми ҳужжатлари асосида иш олиб бораётган экан, деган фикрга келасиз. Чунки бошлиқнинг ишхонасига кираверишда деворга партиянинг ўша пайтдаги халқ мурожаати осиғлиқ турибди...

Хуллас, шу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларга қараб нахотки вилоят идора ва ташкилотлари раҳбарлари шиор ва турли хил чақириқларсиз яшаб бўлмайдиган ҳолга тушиб қолган, уларнинг сиёсий савияси шу даражада ўтмаслашиб қолган бўлса, деган ҳаёлга борасан киши. Хўш нима учун эскича руҳдаги чақириқлардан воз кечиб, мустақил республикани шарафловчи ва тарғиб-ташвиқ қилувчи шиорлар ёздиришмайди? Бунга аслида лоқайдликка ҳам, эътиборсизликка ҳам йўйиб бўлмайди. Бу — улар онгининг қандай савияда эканлигини кўрсатувчи ўзига хос ўлчагичдир.

Катта ишлар оддий нарсалардан бошланади. Сиёсатда эса катта-кичик масаланинг ўзи бўлмайди. Унда ҳамма нарса муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан эскича дунёқарашлардан қанчалик тезроқ қутилиб олсак, ишимиз ҳам шунчалик ривож топиб бораверади. Чунки бу ҳар бир кишининг қадр-қиммати, ор-номуси билан чамбарчас боғлиқ масала. Шу жумладан мустақил республикамизнинг ҳам.

Халқимизнинг «Мен нима дейману, қўбизим нима дейди» деган нақли мағзини чақайлик-да ўтган даврнинг онгимизни тушовлаб турадиган шиору чақириқларидан ҳам бутунлай воз кечайлик. Мустақил давлат фуқароларининг қадди ва қадрини кўтарадиган чақириқлар республикамизнинг ҳар бир жойида кишиларни ўз жозибали оҳанграбоси билан қутиб олсин.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент Давлат маданият институтининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Набижон Раҳимов 75 ёшга тўлди. Қуйида олимнинг мақоласини эълон қилар эканмиз, унга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар тилаймиз.

• 1991 ЙИЛ—АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

ЎЗИДАН ЭЛГА ДАРЁ...

Алишер Навоий яшаб, ижод этган XV асрнинг ўз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муаммолари, ўзига хос ғоявий оқимлари, такрорланмас ҳаёт тарзи бўлганки, маълум объектив ва субъектив сабабларга биноан мазкур омиллар бизнинг даврда яратилган тадқиқотларда ҳар вақт ҳам етарли даражада инобатга олинди, деб айтиш қийин. Шунинг учун ҳам эндиликда айрим ёш олимларнинг бу камчиликларни тўлдириш устида бош қотираётганликлари бизни қувонтирмоқда. Чунки, Навоий ижоди бамисоли баҳри муҳит: туби теран ва бой, ғоявий-бадиий савияси эса ғоятда юксак. Буни аввало улуғ шоир асарларидан ҳамда ўнлаб навоийшунос олимларимизнинг рангоранг ва салмоқли илмий ишларидан сезиш мумкин. Шу билан бирга ёритилиши зарур бўлган муаммолар ҳам ҳали кўп.

Мен бу ерда ўзим яхши таниш бўлган бир масала устида тўхтаб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса баъзи ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг кам ўқиши, улар орасида китобсеварларнинг камсонлилигидир. Ҳолбуки, Алишер Навоий шеъриятини ўқиб, тушунишдан олдин кўп китоб мутолаа қилиш зарур.

Бизда эса аҳвол ўзгача: аксарият ҳолларда фақат моддий манфаатга берилиб кетиш орқасида кишилар ўз маънавий қиёфалари ҳақида, ўз қалблари ва қадр-қиматлари ҳақида ўйламайдиган бўлиб қолдилар. Улар мумтоз адиб ва шоирларимизнинг асарларини жуда кам ўқийдилар, жаҳон классиклари асарларини ҳамда ҳозирги адабиётимизнинг энг яхши асарларини жиддий мутолаа қилмайдилар. Бусиз эса, ҳақиқий маънодаги маданий киши бўлиш мумкин эмас.

Алишер Навоий поэтик ижоди, бутун шеърияти ва илмий тафаккури самарасининг ўзига хос алоҳида қиммати шундаки, улар улуғ шоир қалби нақадар олижаноб, характери эса, бутун, яхлит ва тўлақонли эканидан далолат беради: унинг сўзи билан иши бир хил эди! Қаҳрамонлари ҳам кўп жиҳатдан шоирнинг ижобий идеалини, орзу ва умидларини рўй-рост ифодалайдилар. Навоий шахсияти ва ижобий қаҳрамонларининг бу қадарли юксак инсоний фазилатлари Ҳазратни ҳозирги замон ўзбек адиб ва шоирларининггина эмас, балки жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг маънавий устози даражасига кўтаради.

Навоийнинг юксак инсоний қиёфаси ва ғоявий-эстетик идеали — айтиш мумкинки, бизнинг замон учун ўз аҳамиятини сақлабгина қолмай, балки келажакка ҳам мансубдир, тараққиётимизнинг узоқ истиқболини ҳам ўз ҳаётбахш нури билан ёритиб туради.

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги «Дабиристон аҳли зикрида» деган бобда мактаб ўқитувчиси — мударрислар ҳақида сўз боради:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоий ўгитининг маъноси шуки: кимки сенга ҳақиқатга эришувингда, олий мақсад сари суръат билан боришингда бир-икки сўз ўргатиб, устозлик қилган экан, бундай зоти олийнинг хизматини оқлаш учун ҳар қанча уринсанг ҳам, азият чексанг ҳам оз.

Улуғ Алишер халқни деб яшади ва ижод қилди, шу мақсад йўлига ўзини бағишлади. Шу маънода у ўз замонининг энг олижаноб, қалби пок, ниҳоятда шафқатли ва сабр-тоқатли зотларидан бири бўлмиш Сайид Ҳасан Ардашернинг фазилатларини муносиб баҳолар экан, шундай дейди:

Ўзидан элга дарё — қатра осо,
Вале элдин ўзига қатра — дарё.

Бунинг маъноси шуки, у бошқаларга қанчалик яхшилик қилса ҳам — оз элдан унга тегадиган фойда қанчалик оз бўлса ҳам — дарёдек кўп, чексиз туюлади: бу зот эл-юртга нисбатан шунчалик сахий ва беғараз бўлган.

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сепдек шужо.

Бу ерда ҳам Навоий инсондаги маънавий поклик, маънавий куч ҳақида сўз юритади. Яъни: агар сен ўрмонда шерни олишиб енгсанг, бу сенинг жасурлигингни кўрсатмайди. Борди-ю сен нафс балосини тия олсанг, бу ҳолда сен дунёда ўхшаши йўқ мардсан.

Алишер Навоий ижоди гўзал ички оламнинг, юксак инсоний фазилатларнинг қомусидир.

Н. РАҲИМОВ.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Фарғонада халқ депутатлари вилоят Советининг сессияси бўлди.

Вилоят Советларининг, хўжалик ва кооператив идораларининг аҳолига савдо хизматини яхшилаш ва уни кундалик зарур моллар билан таъминлаш борасидаги ишлари ҳақида халқ депутатлари вилоят Совети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ижроия комитетининг раиси Н. Ҳ. Раҳимов маъруза қилди.

Депутатлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга доир қарорнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотни тинглаб муҳокама қилдилар, бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сессияда «Коммуна» ва «Ферганская правда» вилоят газеталарининг номини «Фарғона тонги» ва «Ферганские зори» деб ўзгартириш, шунингдек, Фарғонадаги В. И. Ленин номли майдонга «Дўстлик» майдони номини беришга қарор қилинди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Ғ. Ф. Фозилов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• *Қадриятлар тикланяпти*

ХАЛҚ ШИФОКОРИ



Ўтмишга тўғри кўз билан қараш, баъзан унутилган сиймолар номини абадийлаштириш пайти келди. Ҳурмат билан номини эслаш мумкин бўлган пок инсонлар халқимиз орасида кўплаб топилади. Ана шундай ардоқли кишилардан бири жиззахлик Эшонқул ота эди. У халқ орасида табиб, ҳаким номини олган ажойиб шифокорлардан саналарди.

Э. Худойқулов 1870 йилда Жиззахнинг «Қассоблик» маҳалласида туғилиб ўсди. Ўша йилларда юқумли оғир касалликларнинг кенг тарқалиши кўплаб хонадонларга кулфат келтирар эди. Чечак, пашшахўрда, безгак, сил, ич бурма каби оғир касалликлар халқни анча ҳолдан тойдирганди. Жиззахда яккаю ягона ҳисобланган давогоҳ эса асосан руслар ва ҳарбийларга, айрим маҳаллий бойларгагина хизмат қиларди. Лекин уларда ҳам баъзан дори-дармон етишмас эди.

Жиззахнинг илғор, фикран саводли кишиларидан ҳисобланган Эшонқул шифокор бўлишга қарор қилди. 1888 йилда Самарқандда очилган юқумли касалликларга қарши эмлаш медицина курсига борди. Эшонқул Худойқуловнинг шифокорлик илк қадами ана шундан бошланди. У ишни янги табобатнинг аҳамиятини халқ ўртасида тарғибот қилишдан бошлади.

Э. Худойқуловнинг астойдил меҳнати ва фидойилиги зое кетмади. У халққа янгича даволаш усулининг афзалликларини кўрсата олди. Эшонқул ака аввало ўзи яшаб турган Қассоблик маҳалласи, кейин эса қўшни Жиззахлик, Тошкентлик, Саройлик, Яхталик, Ўратепалик маҳаллаларида аҳолини даволаш ишларини йўлга қўйди. Айниқса, болаларни чечакка қарши эмлаш ишида тиниб-тинчимади. Унинг қўлидан шифо топганлар сони кўпайгандан кўпайди. Халқнинг унга бўлган ишончи орта борди. У эртаданкечгача юзлаб хонадонларда бўлар, аҳолини ширин сўз билан эмланишга рози қилар эди.

Эшонқул Худойқуловнинг тиббиёт сирларини чуқур эгаллашида рус врачи И. Смецкий хизматлари катта бўлди, Самарқанддан келган тажрибали врач Иван Николаевич Эшонқул билан биргаликда уезд ҳудудида беморларни даволай бошлади. Уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида, 1917 йилнинг кузига келиб чечак ва бошқа юқумли касалликлардан даволанганлар сони 25 мингга етган бўлса, 1938 йилга келиб унинг миқдори 35 минг кишидан ошиб кетди.

Мен шу ўринда болаликда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб ўтиш орқали бу шифокорнинг фидойилигини яна бир бор исботлаш умидидаман.

Биз, болалар қишлоғимизда Эшонқул чечакчи келганини кўрсак, гуруҳ-гуруҳ бўлиб у кишининг «шайтон араваси» (велосипеди)нинг кетидан югурар, у киши кирган ҳовлига ёпирилиб кирар эдик. У ҳовлига кирган барча болаларни тўплар ва чечакга қарши эмланган ёки чечакни зararли оқибатларини тушунтириб беришдан эринмасди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми Эшонқул аканинг меҳнат фаолиятига 48 йил бўлиши муносабати билан 1937 йил 14 мартдаги 14-сонли фармонига кўра унга «Халқ қаҳрамони» деган фахрий унвон берди. Бундай юксак унвон маҳаллий халқдан чиққан шифокор Эшонқул Худойқуловга жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб насиб этган эди. У Улуғ Ватан уруши йилларида алоҳида жонбозлик кўрсатди. Шогирдлар тайёрлади, узоқ жойлардан келган ёшларга ҳатто у ўз уйида тажрибаларини ўргатди, ўқитди. Шундай олижаноб хизматлари учун у 1964 йилда «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

1948 йилда уни иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатдилар. Шунда ҳам у ўзининг меҳнат фаолиятини тўхтатмади. У бир неча бор республика Олий Совети Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Мана, шунча йиллар ўтиб, фидойи шифокор, халқ саломатлиги учун жон қуйдирган инсондан қолган эмлаш изларини кўриб, жамиятимизда халқ орасида яхшилик, эзгулик изларини қолдирган Эшонқул отага, уларнинг руҳига таҳсинлар айтгинг келади. Уларнинг хизматларини, номини хотирлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб, отанинг пок номини абадийлаштириш бизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида менга сайловчиларимдан Жиззахдаги тиббиёт билим юртига Эшонқул Худойқулов номи берилсин, деган ҳақли талаб—наказ тушган эди. Мен ушбу масала билан атрофлича шуғулландим, архивлардан жуда кўплаб ҳужжатларни тўплаб Жиззах шаҳар халқ Кенгашига йўлладим.

Эзгу ният Жиззах шаҳар Кенгаши сессиясида аксарият халқ нойблари томонидан инобатга олинди ва бир овоздан Жиззах тиббиёт билим юртига эл шифокори Эшонқул Худойқулов номи берилди.

М. ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон республикаси халқ депутати, Жиззах шаҳар «Кўтарма» маҳалла қўмитаси раиси.



Ҳаётимиз нақши — онажонлар!

В МОЛГАЧЕВ сурат-лавҳаси.



Uzbekistan Sotsialistik Sovet Respuslikasi
Узбекская Советская Социалистическая Республика
Sovetlar Markazij Icraija Qomitasi
Центральный Исполнительный Комитет Советов

14 марта 7
№ 14

FAXRIJ XAT — ПОЧЕТНАЯ ГРАМОТА

14 марта — 14 марта

СПОРТ

БАЛЛИ, «МАТОНАТ»

● НОГИРОН футбол жамоалари ўртасида Тошкентда ўтказилган жаҳон кубоги учун кураш ниҳоясига етди. «Меҳнат резервлари» ўйингоҳида АҚШ, Салвадор, Бразилия, Англия ва «Матонат» футболчилари бош соврин учун баҳслашдилар. Учрашувларда Салвадор ва Тошкентнинг «Матонат» жамоалари кўпроқ очко тўплашди. Салвадор футболчилари учта ютуқ, бир дуранг натижа билан 7 та очко тўплашган бўлса, матонатчилар иккита ютуқ, шунча дуранг билан олтита очко жамғаришди. Ҳал қилувчи учрашув ана шу икки жамоа ўртасида давом этди. Ўйиннинг асосий қисмида дарвозалар дахлсиз қолди. Қўшимча берилган вақтда ҳам ҳисоб очилмади. «Матонат» ўйинчилари ўз номларига яраша ҳаракат қилиб, 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича устун келишди. Улар 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, жаҳон кубогини иккинчи марта қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Учинчи ва тўртинчи ўринлар Бразилия ва Англия жамоаларига насиб этди.

БУШ КЕЛМА, «ПАХТАКОР»

● МАВСУМНИ муваффақиятли якунлаб, олий лигадаги ўринни сақлаб қолиш учун курашаётган пахтакорчилар мухлисларни яна қувонтиришди. Футболчиларимиз ўз майдонларида ўтказилган кетма-кет уч ўйинда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишди. Ўз ҳисобларига олтита очко қўшишди. Зеро, бу муваффақиятлар мавсум бошида бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиришга камлик қилмоқда. Чунки, қолган икки учрашув сафарда ўтказилиши ҳисобга олинадиган бўлса, буёғи осон кечади, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. 13-ўринни эгаллаб турган «Пахтакор» ҳисобида 23 та очко бор.

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 24 октябрда чиқади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИНИНГ

СИРТҚИ БЎЛИМИ

Агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мевасабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик мутахассисликлари бўйича контроль ва курс ишларини бажариш учун

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАШҒУЛОТЛАР:

V курс учун — 1991 йилнинг 11 ноябридан 16 ноябригача,

I ва IV курс учун — 1991 йилнинг 25 ноябридан 30 ноябригача,

II ва III курс учун — 1991 йилнинг 2 декабридан 7 декабригача ўтказилади.

АВТОТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ССЖИ транспорт қурилиши вазирлигининг «Транссигналстрой» трестига қарашли 820-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

1989 йилда чиқарилган «МАЗ—5334» моделидаги кузов-цистерна қурилишидаги, сиғими 7,5 тонналик янги ёнилғи қуйиш автомашинасини

«Волга»—ГАЗ-24», «РАФ» автомашиналарига ёки узун тиркагичли «МАЗ» ёки «КаМАЗ» машиналарига (албатта 1989—90 йилларда чиқарилган бўлиши шарт)

АЛМАШТИРАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Маҳзуна кўчаси, 1-боши берк кўча, 14 «а» уй.

Телефонлар: 96-58-70, 96-72-51, 96-74-12, 96-72-30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат қурилиш комитетининг Қурилиш комплекси раҳбар ходимлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқлараро илмгоҳи жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор, илмгоҳ ректори С. С. Ғуломова онаси

Мунаввар Ғаниевна ҒАНИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТошДУ маъмурияти фалсафа кафедрасининг доценти Б. Искандаровга укаси

Сардор ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» музейи жамоаси музей аспиранти А. Қиргизбоевга отаси

Каримжон ҚИРҒИЗБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Б. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди—24.00.

№ 205.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.